

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВ ХУРМАТИЛЛО ТЎЛҚИНЖОН ЎҒЛИ**

**СУД ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК  
ВА ПСИХОЛИНГВИСТИК АСПЕКТЛАРИ  
(Жиноят ишлари бўйича суд мажлиси мисолида)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in  
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Исмоилов Хурматилло Тўлқинжон ўғли**

Суд лингвистикасининг социолингвистик ва психолингвистик  
аспектлари (Жиноят ишлари бўйича суд мажлиси мисолида)..... 3

**Ismoilov Khurmatillo Tulkinjon ugli**

Sociolinguistic and psycholinguistic aspects of forensic linguistics  
(On the example of the court hearing on criminal cases) ..... 25

**Исмоилов Хурматилло Тулқинжон угли**

Социолингвистические и психолингвистические аспекты судебной  
лингвистики (На примере судебного заседания по уголовным делам) ... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works  
Список опубликованных работ ..... 49

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ  
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСМОИЛОВ ХУРМАТИЛЛО ТЎЛҚИНЖОН ЎҒЛИ**

**СУД ЛИНГВИСТИКАСИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК  
ВА ПСИХОЛИНГВИСТИК АСПЕКТЛАРИ  
(Жиноят ишлари бўйича суд мажлиси мисолида)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil449 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Набиева Дилора Абдухамидовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзоҳидова Муяссар Инамжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шарифа Мадалиевна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузурдаги PhD 03/30.12.2019.fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» май соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Телефон/факс: 0 (374) 223 88 30, e-mail: agsu\_info@edu.uz.)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (900 рақам билан рўйхатга олинган). (Ўзбекистон Республикаси, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел.: 0 (374) 223 88 14.)

Диссертация автореферати 2021 йил «27» апрел кунини тарқатилди.

(2021 йил «  »    даги    рақамли реестр баённомаси).



**Шахобитдинова Ш.Х.**

Илмий даражалар берувчи кенгаш раиси,  
ф.ф.д., профессор

**Усманов Ф.Ф.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, ф.ф.ф.д.

**Умарходжаев М.Э.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д.,  
профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида глобализация жараёнида асосий эътибор тилнинг функционаллашувига қаратилаётгани мулоқот жараёнини шахс-нутқ кесишмасида макон, замон, вазият, умуман, экстралингвистик ҳамда паралингвистик воситалар билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилиш кучайишига олиб келмоқда. Тилнинг бундай ижтимоий таъсирга берилиши, ўз навбатида суд нутқини тадқиқ этиш муаммоларини ҳам юзага чиқаради ва шу нуқтаи назардан суд лингвистикасини антропоцентрик ёндашув асосида социологик ва психологик томонини ёритиш суд жараёнларини шаффофлаштиришда ҳамда адолатни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон халқлари ўртасидаги алоқаларнинг кучайиши баробарида суд лингвистикасининг дунё ҳамжамиятида ўрганилишида давлат ва жамият манфаатларини бирдек ҳимоя қилиш, судланувчи қиёфасида инсонни тушуниш, унинг ҳаётий мезонларини бир тартибга солиш, ҳуқуқий савиясини ошириш, тафаккури ва тилининг муштараклиги асосида тўғри ўйлаш ва тўғри сўзлашга йўналтириш, суд процессида ҳақиқатни қарор топтиришга эришиш йўлидаги илмий тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда. Бу борадаги суд нутқининг социоллингвистик ва психоллингвистик аспектларини ёритиш ҳамда қонун ва иш ҳужжатларини антропоцентрик нуқтаи назардан тадқиқ этиш, суд мажлиси иштирокчиларининг нутқини бевосита кузатишда қўшимча омиллар билан ўрганишга йўналтирилган тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда, айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш»<sup>1</sup> долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб берилди. Бу ўз ўрнида суд фаолиятини ҳар томонлама юксалтиришга доир изланишларни талаб этиб, нафақат ҳуқуқшуносларнинг, балки тилшуносларнинг ҳам олдига долзарб вазифалар қўяди ҳамда суд лингвистикасини алоҳида соҳа сифатида ривожлантириш, юридик фаолиятда нутқий компетентликка эришиш, нутқнинг тушунарли ва раво ҳолда юридик тил талабларига монанд бўлишини таъминлашга бағишланган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги

---

<sup>1</sup> Қаранг: Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 47 б.; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони. – Т.: Адолат, 2017. – 112 б.; O‘zbekiston Respublikasining «Sudyalar oliy kengashi to‘g‘risida»gi O‘RQ – 427-sonli Qonuni // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2017-yil, 10 aprel. – №14.

ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида суд лингвистикаси (нутқи) нотикликнинг таркибий қисми сифатида ўрганилганлиги кузатилади. Хусусан, А.Ф.Кони, И.Д.Брауде, Е.А.Матвиенко, Г.З.Апресян, П.Сергеич, Н.Н.Кохтев, Б.Адамбаев, Г.Г.Гидзатов, Е.И.Каляшина, А.Звозников сингари тилшунос олимлар томонидан жиддий эътибор қаратилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда суд нутқи умумий нотикликнинг таркибида С.Иномхўжаев, Б.Ўринбоев, А.Солиев, А.Ариповаларнинг илмий изланишларида акс этган<sup>3</sup>. Ф.Бакиров, А.Саидов ва Г.Саркисянц, Л.М.Бойко, М.Касимова, Л.А.Каримова, Ш.Н.Кўчимов, Г.Ё.Ғуломова, О.Ф.Турсунова, Х.Хайитов, Ш.Н.Бердияровларнинг тадқиқот ишлари юридик тил, юридик терминологиянинг ривожда беқиёс аҳамият касб этиб, уларда миллий юридик тилимизнинг илмий-назарий моделини яратишга қаратилган масалалар ёритилган<sup>4</sup>. Суд, хусусан, жинойт ишлари бўйича

<sup>2</sup> Қаранг: Кони А.Ф. Искусство речи на суде // Избранные произведения. – М., 1956. – С. 93-115; Брауде И.Д. Записки адвоката. – М., 1970. – 89 с.; Матвиенко Е.А. Судебная речь. – Минск: Высшая школа, 1972. – 254 с.; Апресян Г.З. Ораторское искусство. – М.: МГУ, 1978. – 279 с.; Сергеич П. Искусство речи на суде. – М.: Юридическая литература, 1988. – 384 с.; Кохтев Н.Н. Основы ораторской речи. – М.: МГУ, 1992. – 240 с.; Адамбаев Б. Устное народное ораторское искусство. – Алматы, 1994. – 58 с.; Гидзатов Г.Г. Очерки по истории судебной речи. – Алматы, 1997. – 169 с.; Каляшина Е.И. Методологические основы судебного речеведения: Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 2003. – 41 с.; Звозников А. Мечом уст моих (о речи как явлении культуры) // Юстиция Беларуси, 2003. – №4. – С. 3-8.

<sup>3</sup> Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 17-23; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик маҳорати. – Т.: Ўқитувчи, 1984. – Б. 102; Арипова А. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2002; Арипова А. Нотиклик ва унинг лисоний-услубий воситалари. – Т.: ЖИДУ, 2007. – Б. 70-72.

<sup>4</sup> Қаранг: Бакиров Ф. Юридик терминлар луғати. – Т., 1959. – 118 б.; Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.: Адолат, 1994. – 32 б.; Саидов А., Саидова Л., Кўчимов Ш., Қосимова М. Қонун ва тил. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 214 б.; <http://www.yurislilingvistika.ukit.me>. бойко Л.М. Законодательная техника (теория и практика): Автореф. дисс. ...канд. юрид. наук. – Т., 1984; Касимова М. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. – Т., 1986. – 24 с.; Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1995. – 115 б.; Ғуломова Г. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 2005. – 125 б.; Турсунова О.Ф. Ўзбек давлатчилиги тарихида қўлланилган ҳуқуқий терминларнинг лисоний тадқиқи: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Т., 2007. – 26 б.; Бердияров Ш.Н. Икки палатали

суд фаолиятига доир изланишларда Ш.Н.Кўчимовнинг номзодлик ҳамда докторлик диссертацияси қимматли манба бўлиб хизмат қилади<sup>5</sup>. Ўзбек суд лингвистикаси бўйича дастлабки тадқиқот иши сифатида Қ.Мўйдиновнинг «Ўзбек тилининг суд нутқи лексикаси» номли фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавжуд бўлиб, унда суд нутқи лексикаси систем-структур жиҳатдан таҳлилга тортилган<sup>6</sup>.

Мазкур йўналишда бажарилган ишларда ўзбек тилшунослигида суд нутқи антропоцентрик нуқтаи назардан тадқиқ этилмаганлиги мавзунинг муҳимлигидан далолат беради. Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда суд лингвистикасининг социолингвистик ва психолингвистик аспекти таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-20170926286 рақамли «Ўзбек амалий суд лингвистикасини яратиш дастурини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек суд нутқининг социолингвистик ва психолингвистик аспекти очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг лингвистик жиҳатларини ёритиш;

суд мажлисига тегишли иш хужжатлари, хусусан, суд ҳукмининг матн категориясида типологик таснифини кўрсатиш ҳамда экстралингвистик жиҳатларини ёритиш;

судланувчиларнинг нутқини психолингвистик жиҳатдан тадқиқ этиш: суд мажлисида бевосита иштирок этиш орқали судланувчиларнинг психологик портретини шакллантириш, судланувчилар нутқида паралингвистик воситаларнинг ўрни ва ролини аниқлаш;

суд мажлисида нутқий бирликларнинг социал хосланиши: социал лексика ва социал нутқни фарқлаш, нутқий хосланишнинг социал омилларини раислик қилувчи – судья, давлат айбловчиси – прокурор, ҳимоячи – адвокат нутқи мисолида далиллаш;

ҳукм матнини шакллантирувчи экстралингвистик омиллар ҳамда унинг тушунилишида психолингвистик методнинг ўрнини аниқлаш.

---

парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт): Юрид. фан. номз. ...дисс. – Т., 2009. – 142 б.; Хайитов Х. Қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти: Юрид. фан. номз. ...дисс. – Т., 2011. – 218 б.

<sup>5</sup>Қаранг: Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1995. – 115 б.; Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юридик таҳлил): Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2004. – 280 б.

<sup>6</sup>Мўйдинов Қ. Ўзбек тилининг суд нутқи лексикаси: Филол фан. б. фалс. докт ...дисс. – Т., 2019. – 140 б.

**Тадқиқотнинг объектини** Ўзбекистон Республикасининг қонун ва иш ҳужжати матнлари, раислик қилувчи – судья, давлат айбловчиси – прокурор, ҳимоячи – адвокат ҳамда судланувчиларнинг нутқи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** суд нутқининг социолингвистик ва психолингвистик томони ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, қиёслаш, кузатиш, профайлинг, психологик диагностика, социолингвистик ҳамда компонент таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонун матнлари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекслари лексик-семантик жиҳатдан ёритилиб, суд ҳукми матнининг типологик тарафдан расмий, нобадий ва муҳокама матнлар сирасига кириши асосланган;

бевосита иштирок этишда психологик диагностика ҳамда профайлинг методлари суд мажлисига татбиқ этилиб, судланувчиларнинг психолингвистик портрети шакллантирилган ҳамда биринчи марта жиноят содир этган судланувчилар нутқи ва такроран – давомли жиноят содир этувчи судланувчилар нутқи каби гуруҳларда объектив омиллар: суд биноси, суд мажлиси зали, суд хайъати; субъектив омиллар: шахсий манфаат, яқин қариндошлар (ота-она), қулайлик ва ноқулайлик ҳолатининг нутққа таъсири далилланган;

суд нутқий жараёнидаги социал нутқ ва социал лексика раислик қилувчи – судья, давлат айбловчиси – прокурор, ҳимоячи – адвокат нутқи мисолида далилланиб, мулоқотнинг расмийлиги “судланувчи” мурожаат шакли мисолида ёритилган;

психолингвистик методнинг ҳукм матни тушунилишидаги ўрни экстралингвистик ва интралингвистик жиҳатдан далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

психолингвистик аспектда маълум мулоқот вазиятида индивиднинг психологик портретини шакллантириш, унга психологик таъсир этиш, нутққа ёндош паралингвистик воситаларнинг ўрни ва роли, объектив ва субъектив омилларнинг аҳамияти, нутқий асоратнинг доимий ва давомий таъсири амалий жиҳатдан исботланган;

социолингвистик аспектда маълум мулоқот вазиятида индивид нутқининг социал мақом таъсирида ҳосланиши, социал нутқ ва социал лексиканинг фарқи, мурожаат шаклларидаги жараёнга ихтисослашуви амалий жиҳатдан изоҳлаб берилган;

суд лингвистикасига антропоцентрик ёндашув асосидаги хулосалар суд процессида адолатнинг қарор топиши ҳамда ҳақиқатнинг юзага чиқишига хизмат қилиши асосланиб, жиноят ишлари бўйича суд мажлисида раислик қилувчи – судья, давлат айбловчиси – прокурор, ҳимоячи – адвокат ҳамда судланувчилар нутқининг социолингвистик ва психолингвистик хусусиятлари юзасидан янги илмий маълумот ва хулосалар далилланган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда ўзбек тилшунослигида илк бор суд нутқига антропоцентрик ёндашишда психолингвистик ва социолингвистик томони ёритилган бўлиб, назарий хулосаларидан тилшуносликнинг социолингвистика, лексикология, матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва услубшунослик йўналишларидаги тадқиқотларда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ўзбек суд лингвистикаси», «Нутқ маданияти», «Психолингвистика», «Социолингвистика», «Услубшунослик», «Семасиология», «Лексикография» ва бошқа соҳалар учун муҳим манба бўлиш билан бирга юридик соҳа вакилларининг амалиётда касбий (нутқий) маҳоратини оширишда, суд мажлисида судланувчиларни психологик баҳолаш бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Суд лингвистикасининг социолингвистик ва психолингвистик аспекти тадқиқи юзасидан эришилган илмий натижалар асосида:

мулоқот жараёнини шахс-нутқ кесишмасида амалий тадқиқ этишда индивидуал психологик баҳолаш, нутқнинг социал хосланганлик хусусиятларини аниқлаш, матнга психолингвистик ёндашув асосида унинг идрок этилиши ҳақидаги илмий хулосалардан ОТ-Ф1-18 «Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада нутқнинг социал хосланиши ва расмий мулоқот тавсифига бағишланган қисмларида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 ноябрдаги № 89-03/4794 сонли маълумотномаси). Натижада, мулоқотнинг оммавий турлари муаммоларининг назарий талқинини мукамаллаштиришга эришилган;

судланувчилар нутқига психолингвистик ёндашув асосидаги илмий хулосалардан Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2018-2020 йиллар давомида ўтказилган очик суд мажлисларида фойдаланилган (Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судининг 2019 йил 10 ноябрдаги №1-1384-20/1007 рақамли маълумотномаси). Натижада, суд мажлисларидаги мулоқот вазиятларида судланувчиларнинг психолингвистик портретини тўғри шакллантириш ҳамда нутқининг тўғри ва осон тушунилишига эришилган;

тингловчига психолингвистик таъсир этиш, индивидуал психологик баҳолаш, матнга психолингвистик ёндашув асосида унинг идрок этилиши борасидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонаси «Mahalla» телерадиоканалининг «Ҳуқуқий маслаҳат», «Қонун ва ижро» каби кўрсатувларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонаси «Mahalla»

телерадиоканалининг 2021 йил 18 мартдаги 02-10/611-сон маълумотномаси). Натижада, кўрсатувларнинг телетомошабинларга психолингвистик таъсирчанлиги ортиб, аҳоли орасида ҳуқуқий онгни янада оширишга эришилган;

суд мажлиси иштирокчиларининг нутқида психолингвистик ёндашув асосидаги илмий хулосалардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонаси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг «Бедорлик», «Хуқуқий ечим», «Ким ҳақ?» номли эшиттиришларини тайёрлаш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонаси «O‘zbekiston» телерадиоканалининг 2020 йил 18 ноябрдаги № 04-25/1142-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материаллар илмий далиллар билан бойиган, мукаммаллашган, қизиқарлилиги, ҳаётийлиги ҳамда илмий аҳамияти ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг «**Кириш**» қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Суд фаолиятини тартибга солувчи қонун ва иш ҳужжатларининг лингвистик тадқиқи**» деб номланади.

Ушбу бобнинг «**Жинойт ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг лексик-семантик жиҳатлари**» деб номланган биринчи фаслида жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонун матнлари сифатида – Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекс<sup>7</sup>ларининг лексик-семантик жиҳатлари ёритилган.

---

<sup>7</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018. – 528 б.; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018. – 848 б.

Расмий иш услубининг ишлатилиш доираси жуда кенг. Ҳар бир давлатнинг сиёсий фаолиятида расмий услубда ифодаланган ҳужжатлар асосий ўринни эгаллайди. Бу услубнинг иш қоғозлари сифатида: *ариза, тилхат, тавсифнома, таржимаи ҳол, маълумотнома, хизмат хатлари, қонун, қарор, фармон, шартнома, нота, меморандум (суд процессига тегишли иш ҳужжатларидан: тергов баённомаси, айблов хулосаси, суд мажлиси баённомаси, ҳукм, ажрим)* кабиларни санаш мумкин.

Расмий иш услуби В.Д.Бондалетов, Н.А.Леонова, Э.Н.Кушлина, С.С.Вартатовалар томонидан уч туркумга бўлинади:

1. Қонунчиликка оид ҳужжатлар услуби (собственно-законодательный) (қонун, фармон, устав, гражданлик ва жиноят кодекслари).

2. Ҳар хил иш қоғозлари услуби (буйруқ, фармойиш, ариза, тилхат, таржимаи ҳол).

3. Дипломатик ҳужжатлар услуби (нота, меморандум, шартнома)<sup>8</sup>.

Бизнингча ҳам, ушбу тартибда гуруҳлаштириш қонун ва иш ҳужжатларининг барча турларини қамрай олади. Чунки юқорида санаб ўтилган қонун ва иш ҳужжатларининг лингвистик ва экстралингвистик хусусиятлари айнан шундай гуруҳлаштиришни талаб қилади. Масалан, қонунчиликка оид ҳужжатларнинг шахсизлик хусусиятига эга бўлиши, биринчи ва иккинчи шахслар (мен-биз, сен-сиз) қўлланилмаслиги, фамилия, исм, ота исми ишлатилмаслиги, фақатгина учинчи шахс тилидан баён қилиниши каби хусусиятлар уларнинг ўзига хослигини таъминлайди.

Ҳар хил иш қоғозлари гуруҳига оид, хусусан, суд процессига тегишли иш ҳужжатлари ҳам қонунчиликка оид ҳужжатлар гуруҳи каби учинчи шахс тилидан баён қилинса-да, уларда шахсни ифодаловчи фамилия, исм, ота исmlарининг кенг қўлланилиши, биринчи ва иккинчи шахслар (мен-биз, сен-сиз)нинг фаол ишлатилиши билан фарқ қилади.

Мавжуд тадқиқотларнинг аксариятида асосий эътибор қонунчиликка оид ҳужжатлар услуби ва унинг ифодаларига қаратилган<sup>9</sup>. Расмий иш услубининг иккинчи гуруҳи – ҳар хил иш қоғозлари услуби ва унга тегишли ҳужжатлар ҳақида фикр юритилмаган. Бир тарафдан буни табиий ҳол сифатида баҳолаш мумкин. Боиси, ҳар хил иш қоғозлари қонунчиликка оид ҳужжатларга нисбатан хусусийроқ, яъни айни қонунларнинг ижросини таъминловчи корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ўртасида ўзаро ахборотни етказувчи ёки шу ахборотни тасдиқловчи, юридик кучга эга бўлган ёзма манбаларни ўз ичига олади ва улар алоҳида тадқиқотни талаб этади. Шу асосда дастлаб, икки гуруҳни ажратиш мумкин:

I. Жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонунлар (*Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси*).

II. Суд процессига тегишли иш ҳужжатлари.

<sup>8</sup> Стилистика русского языка. – Л.: Просвещение, 1989. – 169 с.

<sup>9</sup> Қаранг: Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1995. – 115 б.

Ушбу гуруҳда суд мажлисигача жиноят иши юритишга ҳамда суд мажлиси (муҳокамаси)га тегишли иш ҳужжатлари фарқланади:

1. Жиноят иши юритишга тегишли иш ҳужжатлари.
2. Суд мажлиси (муҳокамаси)га тегишли иш ҳужжатлари.

Ушбу таснифларнинг изоҳи сифатида, аввало, суд процесси ва суд мажлисининг доирасини аниқлаб олиш зарур.

Суд процесси деганда, биз, жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан бирор жиноят ишининг жиноят иши юритишдан бошлаб, токи суд ҳукми ёки ажрими чиқарилиб, қонуний кучга киргунгача – айбланувчи маҳкум ёки оқланган шахсга айлангунигача бўлган жараённи тушунамиз.

Суд мажлиси (муҳокамаси) – умумий жараён (суд процесси)нинг таркибий қисми бўлса-да, алоҳида жараёндир, яъни маълум бир вақтда, маълум шахслар иштирокидаги мажлис (йиғилиш) кўринишида ўтказилиб, унда ушбу суд мажлиси (муҳокамаси)гача бўлган жараёнда йиғилган далиллар, хулосалар, баённомалар, қарорлар таҳлил қилинади. Тарафлар бир жойга жамланиб юзма-юз музокарага киришадилар ва бунинг амалий натижаси (хулосаси) сифатида суд ҳукми ёки ажрими юзага чиқади.

Қонун тили расмий иш услубининг таркибий қисми сифатида лексик-семантик жиҳатдан ўзига хос хусусиятларга эгадир. Қонун тилининг қатъийлик, холислик (нейтраллик), расмийлик, аниқлик ва лўндалик, қисқалик ва мантиқий изчиллик, шахссизлик, йўл кўрсатувчилик (динамиклик) ва қолиплаганлик хусусиятлари унинг асосий белгилари саналади. Бу белгилар қонун тилининг лексик жиҳатдан сўз танлаш мезонини белгилайди<sup>10</sup>.

Илмий адабиётларда қонун тили лексикасининг таркиби умумистеъмолдаги лексика, фразеологик лексика ҳамда атамалар каби уч гуруҳда фарқланади. Бу усулда гуруҳлаштириш қонун матнларининг лексик-семантик жиҳатларини тўла қамраб олади ҳамда жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонунларнинг лексик-семантик жиҳатларини тадқиқ этишда қўл келади. Умумистеъмолдаги лексика ва фразеологик лексикалар ўзининг сўзлашувдаги услубий бўёғини йўқотиб қонун матнларининг расмийлик талабларига мослашади ҳамда терминлик вазифасини бажаради.

Қонун матнларида қўлланувчи атамаларни қуйидагича гуруҳлаштириш таклиф этилади:

1. Ижтимоий-сиёсий атамалар.
2. Кенг қўлланиладиган аммо ҳуқуқий ҳужжатда махсус маъно касб этадиган атамалар.
3. Ҳуқуқий атамалар<sup>11</sup>.

Ушбу тасниф, бизнингча ҳам, қонун матнларида қўлланилувчи атамаларнинг барча жиҳатларини ифодалай олади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугун жиноят ишлари бўйича суд фаолиятини тартибга солувчи қонун матнларига оид терминлар ҳам атама даражасидан термин мақомига ўтиб бўлган, терминга оид бўлган белгилар билан маркерланган. Юқоридаги уч гуруҳни фарқлашда атамалар эмас,

<sup>10</sup> Кўчимов Ш. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1995. – Б. 18.

<sup>11</sup> Кўчимов Ш.Н. Юқоридаги манба. – Б. 35.

терминлар деб юритишимиз мақсадга мувофиқдир. Ушбу гуруҳларни бугунги қонун матнларида қўлланувчи айти шундай терминлар билан изоҳлаймиз. Жамият тараққий этгани сари қонунлар сайқал топиши, ўзгариши, унда кенг қўлланишда бўлган терминларнинг истеъмоли ҳам чегараланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, кўшимча (янги) терминларнинг тавсифини талаб этади.

**1. Ижтимоий-сиёсий терминлар.** Мазкур терминлар давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, миллий ғояси, социал-сиёсий воқеалари, улар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларни акс эттирувчи қонун матнларида ўз аксини топади. Мавжуд тадқиқотларда бундай терминларга *давлат, ҳокимият, референдум, жумҳурият, инқилоб, капитализм, социализм, байроқ, герб, давлат мадҳияси, сулҳ* каби киритилади<sup>12</sup>. Бугунги қонун матнларида *жумҳурият, инқилоб, капитализм, социализм, сулҳ* каби социал-сиёсий терминларнинг истеъмолдан чиқарилганлиги кузатилди.

**2. Кенг қўлланиладиган, аммо ҳужжатда махсус маъно касб этадиган терминлар.** Ушбу терминлар асосини умумистеъмолдаги сўзлар ташкил этади. Эмоционал-экспрессивлик хусусиятини йўқотиб, қонун матнида расмийлик, аниқ бир маънолик хусусиятини касб этади ҳамда терминлик вазифасини бажаради. Улар *давлат органлари, фуқаро, ҳокимият, чегара, ҳудуд, байроқ, герб, мадҳия, халқ ҳокимиятчилиги, жамият* ва шу к.

**3. Ҳуқуқий терминлар.** Бу термин остида ҳуқуқшунослик соҳасига хос муайян тушунчаларнинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмасини тушунамиз. Ҳар қандай қонун матнида ҳуқуқий терминлар миқдор жиҳатидан салмоқли ўрин эгаллайди. Конституция, жиноят ва жиноят-процессуал кодексларидаги барча ҳуқуқий терминларнинг турли даврдаги қонун матнларида қўлланишига доир бир қатор фарқли ҳолатлар мавжудлигини таъкидлаш зарур. Хусусан, 1990-йилларда, Конституция, жиноят ва жиноят-процессуал кодексларидаги барча ҳуқуқий терминлар маъносига кўра 7 гуруҳга ажратилади<sup>13</sup>. Мазкур гуруҳлар таркибига киритилган бир қатор терминлар бугунги қонун матнларида истеъмолдан чиқарилганлиги аниқланди, хусусан, *ҳимоячилар бюроси, юридик маслаҳатхона, ўртоқлик суди, халқ суди, лагер, ички ишлар бўлими, автомобиль назорати, суд президиуми, жиноий қидирув бўлими, маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекси, фабула (жиноят ишида айбдорга қўйиладиган айбнинг изчил баёни), диспозиция (қонуннинг бош қисми), сержант, капитан, подполковник, полковник, қўпоровчи, холис гувоҳ, кафилик берувчи, маҳбус, чайқовчилик* ва ш.к.

Баъзилари муқобили билан алмаштирилган, хусусан, *ҳимоячилар бюроси – адвокатлар бюроси, амнистия – амнистия акти, айбнома – айблов хулосаси, аноним хати – аноним хабар, прокурорнинг хусусий протести – прокурорнинг протести, кассацион шикоят – кассация шикояти, суд ижрочиси – суд ижрочилари, айбловчи – давлат айбловчиси, даъвогар – фуқаровий даъвогар, маҳбус – маҳкум, холис гувоҳ – холис, холислар, презумция – айбсизлик презумцияси* ва ш.к.

<sup>12</sup> Кўчимов Ш.Н. Юкоридаги манба. – Б. 35.

<sup>13</sup> Қаранг: Кўчимов Ш.Н. Юкоридаги манба. – 115 б.

Баъзи жиноят турини ифодаловчи терминлар айнан шундай номланмайди ва жиноят номларининг таркибий қисмига айлантирилган, хусусан, *жинсий жиноят – Жинсий эркинликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноят – Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар, қалбаки пул ясаи – Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар* ва ш.к.

Бобнинг иккинчи фасли «Суд мажлисига тегишли иш ҳужжатларининг лингвистик жиҳатлари» деб номланган.

Маълумки, Қонун ҳужжатлари суд фаолиятини умумий ҳолда ташкил этувчи ҳамда тартибга солувчи асос саналса, иш ҳужжатлари унинг айна фаолиятини амалга оширишда асосий ёзма нутқ (матн) шакллари саналади. Иш ҳужжатлари қонун ҳужжатлари асосида фаолият юритувчи маълум давлат органларининг иш юритиш жараёнида фаол қўлланилувчи (масалан, ҳулоса, қарор, маълумот, баённома кўринишида ёзилувчи)ларга нисбатан хусусийроқ кўринишдаги иш қоғозларидир. Шу билан бирга ўзининг маълум қолипга солинганлиги, муайян тузилиши (схемаси) билан бошқа иш қоғозларидан фарқланади. Шу маънода суд процесси (умумий жараён)га тегишли иш ҳужжатларини ишнинг мақсади ва кўламадан келиб чиқиб, шартли равишда икки гуруҳга ажратамиз:

1. Жиноят иши юритишга тегишли иш ҳужжатлари: суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори; сўроқ баённомаси; эксперт ҳулосаси ва ш.к.

2. Суд мажлиси (муҳокамаси)га тегишли иш ҳужжатлари: суд мажлиси баённомаси, суд ҳукми, суд ажрими ва ш.к.

Ушбу гуруҳларга бирлашган иш ҳужжатларининг ҳар бири маълум мулоқот жараёнининг ёзма ифодаси (ҳулосаси) сифатида юзага чиқади. Масалан, суд мажлиси баённомаси – суд мажлиси (муҳокамаси)нинг иш ҳужжатида ёзма кўринишда акс эттирилган шаклидир. Ишнинг кўламини ҳисобга олиб, суд мажлиси (муҳокамаси)га тегишли иш ҳужжатлари гуруҳи, хусусан, суд ҳукмининг (кейинги ўринларда **иш ҳужжати**<sup>14</sup> деб юритамиз) лингвистик ва психолингвистик жиҳатдан ёритилди.

Иш ҳужжати – ҳукм матнининг лингвистик жиҳатларини ёритишда қонун матнларига хос энг муҳим белгиларга таяниш ва улар асосида тавсифлаш тўғривдир. Бунда мазкур белгилар қонун матни ва иш ҳужжати матнининг умумий ҳамда фарқловчи жиҳатларини ажратиш имконини беради.

Умумий белгилар: 1) расмийлик; 2) нейтраллик; 3) қатъийлик; 4) аниқлик; 5) қисқалик; 6) мантикий изчиллик; 7) қолиплашганлик белгилари.

Фарқловчи белгилар: 1) йўлловчилик (динамиклик); 2) шахссизлик экани кўринади.

Бундан ташқари, иш ҳужжатининг алоҳида уч белгиси борки, унинг юридик мақомини кўрсатиб туради. Жиноят-процессуал кодексининг

---

<sup>14</sup> Иш ҳужжатлари сифатида Жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят ҳамда Андижон туман судларида 2018-йил январдан 2020-йил февралгача очик суд мажлисларида кўрилган ишларнинг суд мажлиси баённомаси ҳамда ҳукм матнларидан фойдаланилди.

«Хукмнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлиши» номли 455-моддасига асосан бу муҳим белгилар: 1) қонунийлик; 2) асослилик; 3) адолатлиликдир<sup>15</sup>.

Бобнинг «Хукм матнининг лингвистик таҳлили» деб номланган қисмда иш ҳужжати – ҳукм матнининг типологик таснифи кўрсатилади.

Хукм матнини қатор хусусиятларига кўра мазмуни ва ифода мақсади, ахборотнинг характери ва уни ифодалашдан кўзланган мақсадига кўра – (1) муҳокама матни; нутқнинг функционал услубий моҳиятига кўра – (2) расмий матн; асосий мақсад-моҳиятида коммуникатив вазифа етакчилик қилганлиги сабабли – (3) нобадий матнлар сирасига киритишимиз тўғридир.

Хукм матни расмий услубга хос экан, унда ноаниқликка, изоҳталаб ўринларга йўл қўйилмайди. Фикрлар ва мазмун содда ва тушунарли бўлади. Фикр, мулоҳаза, баён, асосан, бир қолипда ифодаланади. Унда кириш, тавсиф ҳамда қарор қисмларининг мазмуний тузилиши ўзига хосдир. «Суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкин». (ЎЗР ЖПК 462-м.). Шу маънода 466-моддада баён қилинган ҳукмнинг кириш қисми қолипи айблов ҳамда оқлов ҳукми учун бир хил мезондир.

Айблов ҳукми чиқаришда унинг тавсиф қисми ва қарор қисми учун жиноят-процессуал кодексининг 82,84,421,463,467,468-моддалари асос бўлади. Айблов ҳукмининг қарор қисмида судланувчининг айбли деб эътироф этилганини ифодаловчи гап шакллари қўлланилади: «...назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин», «жазоларнинг ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин», «озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин», «эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, у дарҳол суд залида қамоққа олинсин» ва ш.к.

Оқлов ҳукми ва унинг тавсиф ҳамда қарор қисми учун жиноят-процессуал кодексининг 83,301,421,464,469,470-моддалари асосдир. Оқлов ҳукмининг қарор қисмида судланувчини айбсиз деб эътироф этилганини ифодаловчи гап шакллари қўлланилади: «...назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбсиз деб топилсин», «мазкур жиноятлар содир этилишига дахлдор бўлмаганлиги сабабли оқлансин», «ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқлансин» ва ш.к.

Диссертациянинг иккинчи боби «Судланувчиларнинг нутқи психолингвистик тадқиқ объекти сифатида» деб номланган.

Бобнинг «Суд нутқининг таркиби» деб номланган биринчи фаслида суд нутқининг таркибини аниқлашга доир фикрлар баён этилган.

Ўзбек тилшунослигида суд нутқига доир қарашлар Ш.Кўчимов, А.Арипова, Қ.Мўйдиновларнинг тадқиқотларида<sup>16</sup> кўринади. Улар орасида Қ.Мўйдиновнинг тадқиқот иши ўзбек суд нутқи лексикасига бағишланганлиги билан алоҳида қимматга эгадир.

Қадимги Юнонистонда Антифон, Лисий, Демосфен; Римда Марк Портиус Катон, Марк Туллий Цицерон; Россияда Ф.Н.Плевако, А.Ф.Кони ва

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018. – Б. 306.

<sup>16</sup> Қаранг: Кўчимов Ш.Н. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг тили: Филол. фан. номз. ...дисс. – Т., 1995. – 115 б.; Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари (лингво-юримдик таҳлил): Филол. фан. докт. ...дисс. – Т., 2004. – 280 б.; Арипова А. Нотиклик ва унинг лисоний-услубий воситалари. – Т.: ЖИДУ, 2007. – 143 б.; Мўйдинов Қ. Ўзбек тилининг суд нутқи лексикаси: Филол. фан. б. ф. докт. ...дисс. – Т., 2019. – 140 б.

бошқалар<sup>17</sup>нинг фаолияти ва қўллаган методларининг самараси боис суд мажлисидаги мулоқотда асосий жиҳатлар – нутқий компетентлик, нутқий ҳазм<sup>18</sup>га эришиш, психолингвистик таъсир этиш асосий ўринда туриши англашилади ва айни шу жиҳатлар суддаги нутқнинг санъат даражасида деб эътироф этилишига асос бўлади. Бироқ суд мажлиси иштирокчиларининг нутқини – нотиклик, уларни – нотик сифатида баҳолаш тўғри эмас, умуман олганда, суд нутқиға нисбатан нотиклик атамасининг қўлланилиши, бизнингча, номувофикдир. Иштирокчиларнинг ҳар бир сўзни ўз ўрнида моҳирона қўллай олиши уларнинг нотиклиги эмас, балки нутқий компетентлиги яхши шакллангани ёки аксинча эканини билдиради. Ҳар қачон суд нутқи номи остида тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофикдир.

Бобнинг иккинчи фасли «Судланувчиларнинг психологик портрети» деб номланган.

Судланувчиларнинг нутқи «ишни очиш»да асосий манбадир. Уларнинг психологик портретини муайян мезонда шакллантиришда, инсонпарварлик руҳида ва миллий менталитетимизга хос бўлган қонунлар<sup>19</sup> дастуриламал вазифасини ўтайди. Уларда келтирилган моддаларнинг ҳар биридаги аниқлик ва қатъийлик хусусиятлари суд мажлисида фақатгина ҳақиқат ва адолат тантанаси учун хизмат қилади.

Маълумки, психолингвистиканинг тадқиқ объекти нутқий фаолият жараёни, нутқ бирликларидир. Психолингвистика маълум бир шароитда маълум бир ахборотни нутқ бирликлари воситасида тингловчига етказишни, бу нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этишини, унинг тингловчига таъсири масалаларини ўрганади<sup>20</sup>. Психолингвистиканинг айни шу изоҳига монанд тадқиқотда:

а) маълум бир шароит – суд мажлиси (муҳокамаси), суд мажлиси зали;

б) маълум бир ахборот – судланувчининг нутқи (кўрсатувлари, сўнги эътирози, охирги сўзи);

в) нутқ бирликлари воситасида тингловчи(лар)га ахборот етказиш, унинг тингловчига таъсири – судланувчи нутқининг тарафлар ва суд мажлисининг бошқа иштирокчиларига таъсири;

г) нутқ парчасида сўзловчи руҳиятидаги ўзгаришларнинг акс этиши – судланувчиларнинг нутқида паралингвистик воситалар (эмоционал ҳолатлар)нинг ўзига хос намоён бўлиши, нутқиға таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларга доир қарашлар баён этилган.

Психологик портрет судланувчиларнинг суд мажлисидаги иштироки, фикр ифодалаш манераси, кўрсатувлари ва эмоционал ҳолатларини психолингвистик тадқиқ этиш ва уларни янада яхшироқ тушуниш – англашга асос бўлади.

<sup>17</sup> Қаранг: Мўйдинов Қ. Юқоридаги манба. – 140 б.

<sup>18</sup> Нутқий ҳазм атамаси остида мулоқот жараёнида иштирокчилар бир-бирларининг нутқий ифодаларини (вербал ва новербал нутқларини) тўғри, аниқ ва осон тушунишларини ифодалаймиз.

<sup>19</sup> Қаранг: O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. – Т.: O‘zbekiston, 2018. – 75 б.; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Адолат, 2018. – 528 б.; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т.: Адолат, 2018. – 848 б.

<sup>20</sup> Алпанова Ш.Х. Нутқий фаолият жараёнидаги руҳий ҳолатларнинг ўзбек тилининг турли сатҳ бирликлари воситасида акс этиши: Филол. ф. б. ф. доктори ...дисс. – 156 б.



Судланувчи қиёфасида ким бўлишидан қатъи назар, энг аввало, инсон, қолаверса, фуқародир. Судланувчи(лар) жамиятдаги социал мавқеи жиҳатидан, эҳтимол, оддийгина ишчи, деҳқон, ҳайдовчи, сотувчи; зиёли шахс – ўқитувчи, шифокор, тадбиркор ёки мансабдор ва бошқалар бўлиши мумкин. Бу каби тавсифлар жуда аҳамиятли. Боиси, судланувчиларнинг нутқи уларнинг жинси, дунёқараши, социал келиб чиқиши, савиясига бевосита боғлиқ. Бунда профайлинг методидан фойдаланиш самаралидир. У шахсни кузатиш, психологик баҳолаш, хулқидаги ўзгаришларни нутқи ва эмоционал хатти-ҳаракатлари ва ҳолатлари асосида таҳлил қилиш каби бир неча психологик усулларни қўллаб, аввалдан башорат қилиш имконини берадиган шахс профилини яратиш усулидир. Ушбу метод асосчилари психолог олимлар П.Экман, В.Фризен, М.Сукерман ва В.Де.Пауло ҳисобланади<sup>21</sup>.

Бундан ташқари психологик диагноз ҳам борки,– («diagnosis» грекча аниқлаш, билиш деган маъноларни англатади) у шахс индивидуал-психологик хусусиятларининг айни вақтдаги (судланувчиларнинг суд мажлисидаги – Х.И.) ҳолатига баҳо бериш, яъни прогноз қилишга қаратилган психологик фаолиятнинг сўнгги натижасидир<sup>22</sup>.

Суд мажлисида судланувчи сифатида иштирок этувчи шахс(лар)ни албатта айбдор, салбий сифатларга эга шахс ҳамда жиноятчи(лар) тарзида баҳолаш тўғри бўлмайди. Уларнинг нутқини тадқиқ этиш ҳамда тўғри ва асосли хулосаларни жамлаш учун психологик портретни тўғри шакллантириш, бунда, аввало, қонунларга таяниш, қолаверса, психодиагностика ва профайлинг методларидан фойдаланиш самаралидир.

Бобнинг учинчи фасли «Судланувчилар нутқида паралингвистик воситалар» деб номланган.

Паралингвистик воситалар сирасида имо-ишора ва мимикаларнинг нутқий вазият билан узвий боғлиқ ҳолда унинг экспрессив стилистик оттенкасини кучайтириш учун хизмат қилиши, тамоман бошқа ифода йўсинида бориши ҳақидаги фикрлар бугун нейрофизиологлар, физиогномиклар, психологлар ва тилшуносларнинг бирдек қизиқиши ва тадқиқотлари<sup>23</sup> сабаб изоҳланиб, янги тушунча ва маънолар билан бойиб бормоқда. Паралингвистик воситалар сўзловчининг рост ёки ёлғон сўзлаётгани ҳақида рўй-рост изоҳ бериб туради.

Маълумки, инсоннинг юзи у ҳақидаги энг биринчи маълумот ва таассуротни берувчи аъзодир. Физиогномикларнинг фикрича, юз инсон жисмоний қиёфасининг муҳим тавсифловчисидир, юз мушакларининг қисқариши ундаги ифодани ўзгартиради ва инсоннинг ҳолати ҳақида хабар беради. Яхши ўрганилган 7 та ҳиссиётнинг қуйидаги юз ифодаларини судланувчиларнинг суд мажлисидаги иштироқи вақтида, хусусан, улар нутқ сўзлаган вақтда кузатиш ҳақиқатнинг қарор топишида ғоят муҳимдир:

<sup>21</sup> Қаранг: Махсудова М. Мулоқот психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Турон-Иқбол, 2006. – 117 б.

<sup>22</sup> Jalilova S.X., G'ayibova N.A. Umumiy psixodiagnostika. – Т.: Fan va texnologiya. 2018. – Б. 7.

<sup>23</sup> Қаранг: Нурмонов А. Танланган асарлар. Уч жилдлик. – Т.: Академнашр, 2012. 1-жилд. – 416 б.; Махсудова М. Мулоқот психологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Турон-Иқбол, 2006. – 117 б.; Саидхонов М. Алоқа-аралашув ва имо-ишоралар. – Т.: Фан. 2008. – 83 б.; Аллан Пиз. Тана тили. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2016. – 195 б.; Юнусов Қ., Саттибаев И. Танамиз тилга кирганда. – Т.: Истиклол нури, 2016. – 152 б.; Аввалбоева Д. Имо-ишора тили. – Т., 2016. . – 160 б.

1) жаҳл (ғазаб); 2) хафалик (тушкунлик); 3) қўрқув (хавотир); 4) ҳайрат (хайрон бўлиш); 5) жирканиш, менсимаслик (кибр); 6) уялиш (ўзини айбдор ҳис қилиш); 7) хурсандчилик (мамнуният)<sup>24</sup>. Ушбу ифодалардан дастлабки олтитаси стресс (агрессия) ҳолатининг юздаги кўринишлари экани, еттинчиси эса хушқайфият билан боғлиқлиги кўринадди. Шунга кўра уларни икки гуруҳга ажратилди ҳамда суд мажлиси баённомаси матнидан келтирилган нутқ кўринишлари билан далилланди.

I. Стресс (агрессия) ҳолатининг юздаги ифодалари (1-6).

II. Хурсандлик ҳолатининг юздаги ифодалари (7).

I. Стресс (агрессия) ҳолатининг юздаги ифодалари. Судланувчиларнинг юз ифодаларини кузатиш баробарида ушбу гуруҳ ифодаларини улар учун одатий кўринишлар сифатида баҳолашимиз мумкин, яъни тақдири (маълум маънода) процесс якунида суд ҳукмига боғлиқ ҳолда, айбдор ёки айбсиз деб топилиши гумон бўлган судланувчи хотиржам ва хушқайфиятда бўла олмайди.

II. Хурсандлик ҳолатининг юздаги ифодалари. Бу ифода судланувчиларда суд мажлиси давомида деярли кузатилмайди. Лекин суд ҳайъати томонидан оқлов ҳукми чиқарилган ва ҳукмнинг қарор қисми ўқиб эшиттирилган пайт бундан мустасно.

Суд мажлисида судланувчиларнинг нутқи уларнинг ахлоқий жиҳатларига кўра икки гуруҳга ажратилди:

I. Биринчи марта жиноят содир этган, айбини тан олишга тайёр ва қилган ишидан пушаймон бўлган судланувчилар нутқи. Ушбу гуруҳ вакилларининг аксарияти вояга етмаганлар эканлиги кузатилди. Уларнинг нутқ ижросида хафалик (тушкунлик), қўрқув (хавотир), ҳайрат (хайрон бўлиш), уялиш (ўзини айбдор ҳис қилиш) каби юз ифодалари яққол намоён бўлади.

II. Такроран ёки давомли жиноят содир этувчи, социал хулқи норасо бўлган судланувчилар нутқи. Ушбу судланувчиларнинг мазкур айбловдан аввал ҳам жиноят иши содир этиб, судлангани (жазо ўтагани, ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилингани, жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўтаганлиги, ўта хавфли рецидивист экани), умуман олганда, ушбу айблов дастлабкиси эмаслиги сабабли аксарият ҳолларда уларда ўзига ишонч, агрессив мулоқот, менсимаслик, ғазаб, кинояли табассум кузатилади. Ушбу гуруҳ судланувчиларида юқорида таъкидланган юз ифодаларининг жаҳл (ғазаб), жирканиш, менсимаслик (кибр) каби кўринишлари яққол намоён бўлади. Аксарият биринчи гуруҳ судланувчилари эмоционал ҳолатларининг негизида орият, андиша, иккинчи гуруҳ судланувчиларида эса, кўрслик, ғазаб ва нафрат туйғулари акс этиб туради. Икки гуруҳ асосида билдирилган фикрларимиз, асосан, эркак судланувчиларнинг нутқи билан боғлиқ жиҳатларни изоҳлайди.

Суд мажлисида судланувчилар нутқининг юзага чиқишида макон, замон, вазият, социал роль каби қатор омиллар, албатта, психологик жиҳатдан таъсир кўрсатади. Шунга кўра икки гуруҳни фарқлаш тўғрисида:

I. Судланувчилар нутқига таъсир этувчи объектив омиллар: 1. Суд ҳайъати. 2. Суд биноси. 3. Суд мажлиси зали.

<sup>24</sup> Юнусов Қ., Саттибаев И. Юқоридаги манба. – Б. 33.

II. Судланувчилар нутқига таъсир этувчи субъектив омиллар: 1. Шахсий манфаат. 2. Яқин қариндошлар (ота-она). 3. Кулайлик ва нокулайлик ҳолати.

Биринчи гуруҳ (биринчи марта жиноят содир этган, айбини тан олишга тайёр ва қилган ишидан пушаймон бўлган) судланувчилар нутқига объектив ва субъектив омилларнинг барчаси ўз таъсирини кўрсатиши кузатилди. Иккинчи гуруҳ (такроран ёки давомли жиноят содир этувчи, ижтимоий хулқи норасо бўлган) судланувчилар нутқига шахсий манфаат – субъектив омилнинг кучли таъсири кузатилди ҳамда ҳукм матнидан келтирилган нутқ кўринишлари билан далилланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Суд нутқининг социолингвистик ва психолингвистик тадқиқи**» деб номланган.

